

ЭЛЕКТРОН ПУЛЛАР ВА РАҚАМЛИ АКТИВЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Давлетов Азиз Адҳамжонович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Annotatsiya : Тезисда пулнинг ривожланиш босқичлари, электрон пул ва криптовалюталарнинг пайдо бўлиши, электрон пулларнинг ривожланиши ва улардаги рискларни бошқариш бўйича муаллиф муносабатлари ҳамда соҳани ривожлантириш учун муаллиф таклиф ва хуносалари келтирилган.

Kalit so'zlar: рақамли актив, криптовалюта, виртуал пул, электрон пул, электрон тижорат..

Тадқиқотчиларнинг таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак, дунёда XVII аср ўрталарига келиб қимматбаҳо металларни қоғоз банкноталар сиқиб чиқаришга киришгани, орадан уч юз йил ўтиб эса улар ўз ўрнини электрон пулларга бўшатиб бера бошлагани эътиборни тортади.

Пулнинг бугунги кундаги ҳолатга етгунича бўлган ривожланиш / тараққиёт босқичлари (эволюцияси):

- маҳсулот (қўринишидаги) босқичи: пул, қачонлардир мўйна, арпа, гуруч ва кейинчалик олтин ва кумуш каби қимматли маҳсулот/буюмлар қўринишида мавжуд бўлган;
- савдо маҳсулоти пуллари босқичи: пул, бу босқичда қоғоз пулларга айланган, бироқ бу пуллар олтин билан таъминланган ва ҳақиқатан ҳам уларни исталган вақтда олтинга алмаштириб олиш мумкин бўлган.
- қоғоз пул босқичи: қоғоз ва электрон пуллар ҳамма жойда тарқалган, бироқ бу пуллар ҳаддан ташқари қадсизланиб кетмаслиги учун уларни ўта кўп микдорда босиб чиқармаслик ҳақидаги хукумат ваъдасидан ташқари ҳеч нарса билан мустаҳкамланмаган.
- виртуал пул ва криптовалюталар – ҳозирги кунда пайдо бўлиб, шаклланиб бораётган ушбу босқич, пул доим ҳам бир шакл ва қўринишда бўлмаслигини кўрсатади ва бу жараён айнан сиз ва бизнинг кўз ўнгимизда юз бераётганлиги эътиборлидир.

Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида биринчи марта карта орқали нақд пулсиз транзакция, яъни жўнатма қилинади. Лекин бу электрон пул бўлмай, фақат банк тизими ичida ўзаро алмашув усули эди. Дастробки электрон пул ўтказмаси 1994 йилда DigiCash тўлов тизими орқали америкалик олим-компьютерчи Давид Ли Чаумнинг реал пулни виртуал валютага айлантириш ғояси асосида амалга оширилди. Аслида ушбу тарихий воқеелик, биринчи навбатда, Интернетнинг кенг қамров касб этиши ва виртуал пулларни сақлаш ҳамда коммуникация тизими сифатида майдонга чиқишининг маҳсулси сифатида қаралади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда электрон тижоратнинг ривожланиши, турли тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланиши ва кучайиши чакана тўловлар бўйича транзакцион харажатлар қисқартирилишини, шунингдек, тўловларни амалга оширишда молиявий институтларнинг воситачилигини талаб этмайдиган инновацион ҳамда жозибадор воситаларнинг жорий этилишини тақозо этмоқда. Электрон пуллар ана шундай тизимлардан бири сифатида қундалик ҳаётимизда жадал кириб боряпти.

Конунчиликка кўра, электрон пуллар — мазкур пул эмитентининг электрон шаклда

сақланадиган ҳамда ушбу тизимда тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган шартсиз ва чақириб олинмайдиган пул мажбуриятлари хисобланади. Бошқача қилиб айтганда, электрон пуллар бу тўлов воситаси бўлиб, эмитентнинг мажбуриятларидир.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши электрон пуллар муомаласини, жумладан, бундай пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг хукукий асосини яратиб берди. Ушбу қонун асосида Марказий банк “Ўзбекистон Республикаси худудида электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари”ни ишлаб чиқди, мазкур тартиб Адлия вазирлиги томонидан 2020 йилнинг 29 апрелида 3231-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.¹

“Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуннинг кучга кириши ва Марказий банк томонидан “Ўзбекистон Республикаси худудида электрон пул чиқариш ва муомаласи қоидалари”нинг ишлаб чиқилиши мазкур тарихий воқеанинг шаклланишига ўз хиссасини қўшди.

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб жорий этилган “ОСОН” электрон ҳамёни фойдаланувчиларга тўловлар ва ўтказмаларни амалга ошириш географиясини осонлик билан кенгайтириш, шу билан бирга, ўз пулларини электрон пуллар тизимининг энг паст комиссияларида тежаб қолиш имконини бермоқда. Янги тизим ёрдамида мобил алоқа, интернет, коммунал хизматлар, онлайн-ўйинлар учун тўловни амалга ошириш имконияти мавжуд.

“ОСОН” электрон пули қабул қилишга нафақат глобал, балки миллий сервисларга ҳам уланган. Бу электрон пулни нафақат онлайн тарзда тўлашга, балки тизим кафе, ресторан ва дўконларнинг эгаларига нақдиз тўловларни қабул қилиш имконини ҳам яратмоқда. Хусусан, 2021 йилнинг ўзида 23 миллиард сўмлик қарийб 641 миллионта транзакциялар электрон пуллар орқали амалга оширилди.

Марказий банк тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келишини таъминлаш орқали рақобатни кучайтиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. Шу мақсадда 2020-2021 йилларда Марказий банк 35 дан ортиқ юридик шахсга (Click, Oson, Payme ва х.к.) тўлов ташкилоти ҳамда “Миллий банклараро процессинг маркази”, “Ягона умумреспублика процессинг маркази” ва “Қулай пул” масъулияти чекланган жамиятларига тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берувчи тегишли лицензиялар тақдим этилди.

Электрон пулларнинг асосий афзалликларидан бири банк ҳисобварагини очмасдан туриб тўловларни амалга ошириш имкониятининг мавжудлигида. Шунингдек, тўловларни амалга ошираётган пайтда воситачилик ҳақининг бошқа тўлов воситаларига қараганда арzonлиги хисобланади. Айни пайтда ундан фойдаланиб, хорижий валютада эмиссия қилинган электрон пулларни айирбошлаш имконияти ҳам мавжуд.

Маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакатимизда электрон ҳамён эгалари томонидан ўтказилган транзакцияларнинг 94 фоизи тадбиркорлик субъектларининг муайян товар, хизмат, ишларга, қолган қисми жисмоний шаҳслар ҳиссасига тўғри келади.

Дунёда мобил қурилмалардаги электрон ҳамёнлар орқали тўловлар йил сайин оммалашиб бормоқда. Жунипер Ресеарч маълумотларига қараганда, 2020 йил бошида 2,2 миллиард аҳоли

¹ <https://yuz.uz/news/elektron-pullaryoxud-bitkoinni-qazib-olish-oltin-ishlab-chiqarishdan-ham-qimmatga-tushadimi>

тўловларни амалга ошириш ёки пул юбориш мақсадида электрон ҳамёнлардан фойдаланган. Унинг учдан икки қисми Осиё-Тинч океани ҳудуди ахолисига тўғри келади.

Электрон пуллар ҳакида гап боргандা, албатта, гап айланниб криптовалюталарга келиб тақалади. Жаҳон банки мутахассисларининг аниқлашича, юқори тезликдаги интернетда фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга ўсиши ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини 1,4 фоизгача ошириши мумкин. Бинобарин, бугунги кунда дунё криптобозори тахминан 1,7 триллион долларни ташкил қиласиди.

Ўзбекистонда "электрон пул" молиявий маҳсулотининг тарқалишига қўйидаги омиллар таъсир қилган:

нақд пул айланмаси даражасини пасайтириш, банк тизимида ва нақд пулсиз тўловларга бўлган ишончнинг барқарор ўсиши, ўз миллий тўлов тизимимизни яратиш, виртуал маконда бизнесни, инновациялар ва технологияларни ривожлантириш, интернетдан кенг фойдаланиш ва уни янада кенгайтиришга қаратилган изчил давлат сиёсати, чакана тўлов ва ҳисоб-китоб хизматлари доираси, нақд пулсиз тўловларнинг тезкорлигини, мавжудлигини ҳамда ишончлилигини такомиллаштириш ва бошқалар. Бугунги кунда мавжуд бўлган рақамли активлар сингари, электрон пуллар ҳам илгари хукуқий майдон ва статистик ҳисоботлардан ташқаридағи ҳисоб-китоб операцияларига хизмат қилиб келган. Вақт ўтиши билан уларнинг афзалликлари регуляторлар томонидан тан олинди ва электрон пуллар Ўзбекистон миллий тўлов тизимининг ажралмас элементига айланди. Дастлабки босқичда ушбу маҳсулотлар кредит ташкилотлари томонидан эмас, балки янги молиявий технологик компаниялар томонидан таклиф қилинган. Қонуний нормалар билан қоидалар белгиланди, унга мувофиқ электрон пул тизимининг оператори сифатида ишлашга ҳақли бўлган ташкилотларнинг хукуқий мақоми аниқланди: банк ҳисоб рақамларини очмасдан ва бошқа банк операцияларини амалга оширмасдан пул ўтказмаларини амалга ошириш хукуқига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон банкларига ушбу соҳада ўз фаолиятини бошлагани тўғрисида хабар берган кредит муассасаси шаклланиб келди. Моҳиятига кўра, регулятор электрон пулни нақд пулга tenglashтириди, аммо уларнинг олдиндан тўланадиган (иккиламчи) хусусиятига ишора қилди ва уни суғурта обьектларига киритмади, улар билан тузилган битимлар рўйхати чекланган (оператор кредит бериш ва электрон ҳисоб балансининг қолдиғи бўйича фоизларни тўлаш хукуқига эга эмас), аноним электрон тўлов воситаларининг имкониятлари сезиларли даражада қисқарди (13.09.2021 йил ҳолатига кўра, шахсийлаштирилмаган электрон ҳисобларни тўлдириш факат банк ҳисобидан амалга оширилади, қонун хужжатларида белгилangan ҳолатлар бундан мустасно; бошқа жисмоний шахслар фойдасига пул ўтказмасини амалга ошириш, олиш учун улардан фойдаланишга тақиқ қўйилди; пул маблағлари қолдиғини нақд қилиш имконияти йўқ ва ҳоказо.). Ҳозирги вақтда электрон пуллар соҳасида эркин фойдаланишга тўлиқ ва етарлича статистик маълумотлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистонда расмий равишда ишлайдиган электрон пул тизимларининг тасдиқланган реестри, уларнинг рейтинги, банк тўлов агентлари ва банк тўлов субагентлари тўғрисида батафсил маълумот берилган², қайси ташкилот электрон пуллар оператори эканлиги тўғрисида ишончли манбаларда маълумот топиш мушкул эмас³. Электрон ва рақамли пулларни тўлов воситаси сифатида қабул қиладиган савдо нуқталарининг камлиги

² <https://cbu.uz/upload/medialibrary/ffd/5u83ez90b46tks5ugc905lusk53y5tgk/Reestr-sistem-elektronnykh-deneg.xlsx>

³ <https://cbu.uz/upload/medialibrary/dea/6esaq7d08kawbj31nnr02q85zltmze58/Reestr-platezhnykh-organizatsiy.xlsx>

ҳам уларнинг оммавийлашишига ва рақамли пул тизимларининг мижозлар базасини кенгайтиришга имкон бермаяпти. Мижозларнинг электрон пулга бўлган ишончини ошириш ва потенциал фойдаланувчиларни жалб қилишдаги тўсиқларга қарамай, электрон пул бозори ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Электрон пуллар тизимида рискларни бошқариш қуидагиларнинг мавжудлигига асосланган бўлиши лозим:

- тизим ишининг ички назорати ва аудити тартиб-таомиллари, тизимнинг ишлаши ва транзакциялар тўғрисида маълумотларни сақлаш;

- ҳар бир транзакция бўйича маълумотларни ўз вақтида қайта ишлаш, ҳисобга олиш ва ахборотни сақлаш, тизимда маълумотларни ҳимоя қилиш ва сақлашни таъминловчи ахборот тизими;

- малакали ходимларнинг мавжудлиги.⁴

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, электрон тижоратнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан ҳисоб-китоблар ва тўловлар жараёнини тезлаштиришга ва шунга мос равишда иқтисодий ўсишга вақт ва харажатларни минималлаштиришга қодир бўлган янги савдо форматига хизмат кўрсатиш учун янги тўлов воситасига эҳтиёж туғилди. Тўлов тизими эволюциясининг сўнгги босқичларида пайдо бўлган электрон пуллар ва рақамли активлар мазкур воситага айланди. Маълумки, ҳар қандай янгилик аввало жамиятнинг кичик бир қисми – новаторлар томонидан қабул қилинади. Аксарият банклар инновациялардан фойдаланишни бошлаганларидан кейингина тарқатиш жараёни янада кенг миқёсда амалга оширилади. Рақамли активлар ҳам истисно эмас. Ҳисоб-китобларда рақамли активлардан нисбатан қўпроқ фойдаланиш натижасида нақдсиз пулларга "тengлаштириш" орқали қонунийлаштирилгандан сўнг, электрон пуллардан фойдаланишга бўлган талаб ўсишда давом этмоқда ва шу билан бирга рақамли активларга қизиқиш ортиб бормоқда, бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-китоб ва тўлов операцияларини рақамлаштиришга бўлган эҳтиёжини кўрсатади. Шу сабабли, давлатнинг стратегик устувор йўналишларидан бири рақамли хизматларни бирлаштириш орқали масофавий хизматларни ривожлантириш, қолаверса, банк - молия тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини оширишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://yuz.uz/news/elektron-pullaryoxud-bitkoinni-qazib-olish-oltin-ishlab-chiqarishdan-ham-qimmatga-tushadimi>
2. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/ffd/5u83ez90b46tks5ugc905lusk53y5tgk/Reestr-sistem-elektronnykh-deneg.xlsx>
3. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/dea/6esaq7d08kawbj31nnr02q85zltmze58/Reestr-platezhnykh-organizatsiy.xlsx>
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 13/3-сон қарори иловаси «Ўзбекистон Республикаси худудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши» қоидалари

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 13/3-сон қарори иловаси «Ўзбекистон Республикаси худудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши» қоидалари